

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан
ШАРТНОМА № 95**

2022 йил 18 ноябр

Нурафшон шахри

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор А.Хайдаров, бир томондан "ME'MOR PROJECT " МЧЖ (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор А.Кобилов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартномага кўра, “Бажарувчи” Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **Тошкент вилояти Олмалик шаҳар И.Каримов МФЙ ҳудудида авто тураргоҳни мукамал таъмирлаш ишларига лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқиб экспертиза хулосаси олиш** объекти бўйича амалдаги қонунчиликда ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш, тайёрлаб ижобий экспертиза хулосасини олиш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома Танлов комиссиясининг 2022 йил 15 ноябрдаги 182989 сонли лот бўйича баённомасига асосан, қушимча қиймат солиғи билан **12 000 000 (Ўн икки миллион сўм)** сўмни ташкил этади.

2.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи” нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома Молия вазирлиги ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан 15 кун ичида шартнома қийматидан 15% олдиндан тўлов амалга оширилади;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг ҳисобот ойининг **15** куни давомида, буюртмачи томонидан (лойиҳани асосланган рад этиш хати мавжуд бўлмаган тақдирда).

- Бажарувчи томонидан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан бошқа ташкилотлар ва давлат органлари билан лойиҳа ҳужжатларини бажариш учун тузган хизмат кўрсатиш шартномалари бўйича тўловлар, фақатгина ўртада тузилган шартномалар нусхаси ҳамда банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси “Буюртмачи”га тақдим этилганда амалга оширилади.

2.3. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўлов учун мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

2.4. Мазкур шартнома бўйича бажарувчи томонидан ишларни яқунлаш муддати шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-сонли илова (ишларни календарь режаси)да кўрсатилган муддат ҳисобланади.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. **Тошкент вилояти Олмалик шаҳар И.Каримов МФЙ ҳудудида авто тураргоҳни мукамал таъмирлаш ишларига лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқиб экспертиза хулосаси олиш** объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириғини қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалаш топшириғини ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календарь муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг, Бажарувчи тайёр лойиҳани ёки унинг кисмини Буюртмачига юк хати билан топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 10 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Бажарувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Бажарувчига юборилгандан сўнг икки томонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (*Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса*), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Бажарувчига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (*яширин камчиликлар*), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Бажарувчини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Бажарувчига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини “Манзилли дастур” тасдиқлангандан сўнг Бажарувчига тўлаб беради.

4.1.3. Бажарувчидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Бажарувчининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари, ташкилотлар билан келишиш учун Бажарувчини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Бажарувчига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (*мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг*).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Бажарувчини жалб қилиши.

4.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиб туриши. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Бажарувчи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмайди.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари, манфаатдор ташкилотлар билан лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида келишиши

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос келадиган, шахарсозлик ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган тайёр лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.2.6. Бажарувчи, лойиҳалаштириш ва муҳандислик-техник тадқиқотларни биргаликда бажарувчилар, шунингдек, объектни лойиҳалаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот, экспериментал ва тажриба-конструкторлик ишларининг Бажарувчилари лойиҳалаш топшириғи, қонунчилик ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ қабул қилинадиган қарорнинг сифати ва

техник-иқтисодий даражаси, шунингдек, курилиш ва объектдан фойдаланиш даврида аниқланган лойиха ҳужжатларидаги камчиликлар учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

(4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойихадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Бажарувчидан қуйидагиларни талаб қилиши:

- Бажарувчи лойихадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилишини;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтиришни;

- бажарувчи лойихадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплашини талаб қилиш;

- лойихадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса,

Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий зарарлар қоплашсини Бажарувчидан талаб қилиши.

4.4. Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачидан топшириқ бўйича лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни олиш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиха Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин, Бажарувчи лойиханинг дастлабки ва лойихадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун тўлиқ жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини қоплаб беради.

5.3. Бажарувчи Лойихадаги камчиликлар учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- Буюртмачи Бажарувчи билан келишиб олмасдан лойихалаш мобайнида лойихага қўйилган талабларни бажармаса ёхуд лойихалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойихалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,3 % миқдорда пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Бажарувчи лойихалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,3 % миқдорда пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмайдилар.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

7.1. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартномага ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилиши, муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур шартномага битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (*ёки томонлар номидан ишончнома асосида қатнашган вакиллар*) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.3. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаганлик шarti билан бир томон иккинчи томонни 15 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини бекор қилиниши томонларни шартномани бузганликлар учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги конунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар суд идоралари томонидан кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, камаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Молия вазирлиги Ғазначилигидан руйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди, битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Бажарувчида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

Тошкент вилояти ҳудудий филиали "Қўп
хонадонли уйларни мукамал ва жорий
таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти
объектларини қуриш бўйича инжиниринг
компанияси" ДУК

Тошкент вил. Нурафшон шаҳар Тошкент
йўли кучаси 32-уй
л/счёт 302021860274017065100110060.
Марказий банк. Бош бошқармаси
МФО 00014
ИНН 307905631
ОКЭД 43220
Тел:
Маля Вазирлиги Ғазначилиги
л/с 23402000300100001010

Директор

А.Хайдаров

Юрист

Э.Каримов

БАЖАРУВЧИ:

"ME'MOR PROJECT" МЧЖ

Жиззах шаҳар Обод МФЙ
Тўқимачилар кўчаси 90 уй
р/с 20208000905387869001
АТБ Асака банк Жиззах филиали
МФО 00140
ИНН 308478585
ОКЭД
Тел: 55-151 72, 99-194-77-72

Раҳбар:

А.Кобиров



ИШЛАРНИНГ КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУКнинг тошпириғига асосан, Тошкент вилояти Олмалик шаҳар И.Каримов МФЙ ҳудудида авто тураргоҳ қуриш ишларига лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқиб экспертиза ҳулосаси олиш

№	Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг ва асосий босқичларнинг рўйхати	Муддат	Босқичларнинг ҳисоб қиймати йиғиндиси
1	Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш	30 кун	12 000 000 (Ўн икки миллион сўм)
	Кўшимча қиймат солиғи билан жами:		12 000 000

Кўшимча қиймат солиғи билан жами: 12 000 000 (Ўн икки миллион сўм)

“БУЮРТМАЧИ” номидан

“ЛОЙИХАЧИ” номидан

Директор: _____

А.Хайдаров



Директор: _____

А.Кобиров



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 182989 на приобретение Олмалиқ шахри И.Каримов МФЙ худудида авто тураргоҳ мукамал таъмирлаш ишларни лойиха-смета ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хулосаси

Способ проведения электронный

Дата 15.11.2022

Время рассмотрения 15.11.2022 17:03

Закупочная комиссия Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси Тошкент вилояти худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LI	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали директори;	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали
Секретарь комиссии	SULTANOV ERKINJON GENJABAYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими	lost-9090@mail.ru
Член комиссии	BERDIYAROV SARVAR ALIMOVICH	Бош мутахассис	Тошкент вилоят хокимлиги
Член комиссии	GAYBNAZAROVA MUNIRA XABIBULLAYEVNA	КХУМВЖТХИТОҚБИК" ДУК ТошБирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахасиси	КХУМВЖТХИТОҚБИК" ДУК Тошкент вилояти худудий филиали
Член комиссии	ABDUSHUKUROV UBAYDULLA SULAYMANOVICH	КХУМВЖТХИТОҚБИК" ДУК Тошкент вилояти худудий филиали лойиҳаларни техник назорат қилиш бўлими бош мутахасиси	"КХУМВЖТХИТОҚБИК" ДУК Тошкент вилояти худудий филиали
Член комиссии	TURSUNOV FAZLIDDIN TESHABOYEVICH	Койиҳаларни техник назорат қилиш бўлими бош мутахасиси	"КХУМВЖТХИТОҚБИК" ДУК Тошкент вилояти худудий филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.11.2022 года № лота 182989.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничо-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Олмалиқ шахри И.Каримов МФЙ худудида авто тураргоҳ мукамал таъмирлаш ишларни лойиха-смета ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хулосаси
Количество товара	1.00
Единица измерения	

Цена товара (услуги) за единицу	12 500 000.00
Стартовая сумма	12 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Лицензия мавжудлиги 2. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	25	25	25	Экспертная		
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	25	Буюртмачи тавсифига кўра	10	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	20	20	10	Экспертная		
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50,0 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 30,0 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги 5. Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	25	25	15	Экспертная		
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA"	25	Буюртмачи тавсифига	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
mas`uliyati cheklangan jamiyati		кўра				

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникалари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета хужжатларини ишларини бажариш учун зарур бўлган 10 та ва ундан кўп офис техникаларининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	15	15	15	Экспертная		
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	15	Буюртмачи тавсифига кўра	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	12 500 000.00	12 500 000.00 UZS	12 500 000.00	00.00	12 500 000.00	15.11.2022 13:51:59	9.6
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	12 500 000.00	12 000 000.00 UZS	12 000 000.00	00.00	12 000 000.00	14.11.2022 18:16:07	10

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati	47.6469	9.6	57.2469
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	68.8239	10	78.8239

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 182989 от 15.11.2022 года на приобретение Олмалик шаҳри И.Каримов МФЙ худудиди авто тураргоҳ мукамал таъмирлаш ишларни лойиҳа-смета ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хулосаси определила победителем:

"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
308478585

и резервный исполнитель: "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302582802)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	GAYBNAZAROVA MUNIRA XABIBULLAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	ABDUSHUKUROV UBAYDULLA SULAYMANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” тошкент вилояти ҳудудий филиали директори
А.Хайдаров



” ноябр 2022 йил

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича йғилиш

57/1-сон БАЁНИ.

2022 йил 18 ноябр

Тошкент шаҳри

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича

Йғилиш раиси:

А.Хайдаров

“Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” Тошкент вилояти ҳудудий филиали директори

Катнашдилар:

А.Юсупов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти ҳудудий филиали умумий бўлими етакчи мутахассиси .

У.Абдушукуров

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти ҳудудий филиали Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими

М.Жураев

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти ҳудудий филиали лойиҳаларни техник назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

Э.Каримов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти ҳудудий филиали юристи

КУН ТАРТИБИ:

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” Тошкент вилояти ҳудудий филиали бўйртмачилигида бажариладиган қурилиш монтаж ишларига лойиҳа ташкилотларини аниқлаш тўғрисида

Кун тартибидаги масала бўйича йғилиш раиси А.Хайдраов йғилишни очик деб эълон қилиб 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талаблари асосида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори

ижросини таъминлаш бўйича лойиха ташкилотларини танлаб олиш бўйича танлов савдолари эълон килинганлиги хақида қисқача маълумот бериб ўтди ва сўз навбатини маркетинг бўлими мутахассиси йиғилиш котиби - Э.Султановга берди. Котиб йиғилиш иштирокчиларига танлов савдоларини ўтказиш жараёни хақида қисқача таништириб ўтди, ҳамда ушбу объект бўйича танлов савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълон, etender.uzex.uz махсус ахборот порталига 85 та лот бўйича талабгор ташкилоти катнашганлиги ва ғолиб бўлган лойиха ташкилотлари тўғрисида танлов комиссиясининг электроний баённомаси шакллантирилганлиги ва бугунги кунга қадар мазкур лотлар бўйича ҳеч қандай эътироз бўлмаганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиб

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори ижро учун қабул килинсин.
2. 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408 сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича etender.uzex.uz махсус ахборот порталидаги эълонларда ғолиб булган ва муҳокима вақтида ҳеч қандай эътироз келиб тушмаган лойиха ташкилотлари рўйхати 1-иловада кўрсатилган
3. Маркетинг булими Султанов мазкур йиғилиш баёнининг 1 –иловада кўрсатилагн лойиха ташкилотлари билан 1 кун муддатда шартнома расмийлаштирилсин.
4. Бош ҳисобчи Сайдахрарова 1 –иловада кўрсатилагн лойиха ташкилотларига 2 кун муддатда белгиланган тартибда молиялаштирилсин.
5. Мазкур баённинг ижросини назорат қилишни уз зиммамда қолдираман

Қатнашди:

А.Юсупов




У.Абдушукуров



М.Жураев



Э.Каримов



Баённома юритди : Э.Султанов



Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси
Тошкент вилояти ҳудудий филиали

2022 йил 18 ноябрдаги
57-сонли баёнига
1-илова



T/P	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳави й қуввати, тегишли ўлчов бирликла рида	Лот рақами	Элонга берилган сумма	Ғолиб булган сумма	Ғолиб ташкилот номи
Тошкент вилояти бўйича жами:		85		1 444,6	1 118,4	
Ангрен шаҳар бўйича жами		3		61,000	60,200	
1	Дорилфунун МФЙ 5/5 даҳа 57-сонли кўп қаватли уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш	1	182716	1,750	1,700	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
2	Кимёгар МФЙ 5/3 даҳа 10,11,23,36-сонли кўп қаватли уйларнинг том қисмини мукамал таъмирлаш	1	182713	9,250	8,800	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
3	Янги Боғи-Сурх МФЙ ҳудудда ёнма-ён жойлашган 37-урта таълим мактаби ва 20-МТТ ни шаҳар иситиш тизими мукамал таъмирлаш	1	184222	50,000	49,700	ООО SUPER PROJECTS CENTER
Бекобод шаҳар бўйича жами		16		151,375	148,645	
4	Сайхун МФЙ ҳудудда Ёрқин, Низомий, Сохил, Мехир, Широқ, Ифтихор, Фитрат, Фиокор кўчаларида 200 та тунги ёриткич чироқлари ўрнатиш	1	182258	7,625	7,500	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
5	Ўзбекистон МФЙ ҳудуддаги Зарафшон кўчасидаги иссиқлик тизими қозонхонасини мукамал таъмирлаш	1	182266	5,000	4,850	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
6	Жомий МФЙ, Жомий кўчасидаги Маросим тадбирлар ўтказиш учун бинони жиҳозлаш ва мукамал таъмирлаш	1	182273	12,500	12,320	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
7	Самарқанд МФЙ ҳудуддаги 7-умумтаълим мактабига боровчи 350 метр узунликда пиёдалар йўлагини мукамал таъмирлаш	1	182291	4,500	4,330	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
8	Маданият МФЙ ҳудуддаги Ал Фаробий, Шахматчи, Абдулла Набиев, Пахтамор, Муса Жалил ва Гулзор кўчаларда 2,5 км тунги ёритиш тармоқларини мукамал таъмирлаш	1	182305	6,250	6,025	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
9	Ширин МФЙ ҳудуддаги 14,15,16,18,19,20,21,28,28а,29, 29а, 30,31,32,4г ушбу уйларга ҳамда ички кўчаларига жамоатчилик ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида 70 дона тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш	1	182319	3,500	3,275	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
10	Бобур МФЙ ҳудуддаги иригация тармоқларини мукамал таъмирлаш ҳамда янгидан қуриш	1	182336	12,500	12,375	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
11	А.Навоий МФЙ ҳудуддаги Мустақиллик кўчасида 1,8 км тунги ёритиш тизимини мукамал таъмирлаш	1	184244	12,000	11,850	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
12	Наврўз МФЙ ҳудуддаги 27-уйни мукамал таъмирлаш	1	182357	11,250	11,110	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
13	Истиқлол МФЙ ҳудуддаги Темирийўлчи кўчасида 0,6 км иригация тармоқлари ва 1 км пиёдалар йўлакларини мукамал таъмирлаш	1	182366	13,500	13,380	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
14	Тинчлик МФЙ ҳудудда (1,2,3,6,6а,7,8,9,10,19,20) кўп қаватли уйларнинг том қисмини мукамал таъмирлаш	1	182373	25,000	24,880	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
15	Жомий МФЙ Марказий кўчасидаги бўш турган майдонда замонавий спорт майдон ташкил қилиш	1	182389	8,750	8,500	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
16	Ширин МФЙ ҳудуддаги 20,21,28,28а,29,29а,30,31,32-уйлар атрофида 2 та болалар майдончаси, 2 та варкаутилар ва 4 дона бисеткалар ўрнатиш	1	182434	8,750	8,500	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
17	Андижон МФЙ 4а ва 4б уйларни орқа томондаги майдонга кичик футбол ва волейбол майдончаси ташкил қилиш	1	182439	7,500	7,350	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
18	Фаргона МФЙ 87-88,90-91-92уйлар ховлисида 2 дона болалар майдончаси, 2 дона варкаутилар ва 4 дона бисеткалар ўрнатиш	1	182459	8,750	8,550	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
19	Бобур МФЙ ҳудудда 2 та болалар майдончаси мукамал таъмирлаш	1	182476	4,000	3,850	MARG'LON INTEGRAL LOYIHA MCHJ
Бўка туман бўйича жами		1		0,760	0,745	
20	"Маданият" МФЙ ҳудуддаги Ёрқин ва Мустақиллик кўчалари тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш	1	182534	0,750	0,745	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
Бўстонлик туман бўйича жами		8		200,000	169,780	
21	Бирлик кўчасидаги 1974-1980 йилларда қурилган 20-уйнинг 800 кв.м., 28-уйнинг 1100 кв.м., 30-уйнинг 1100 кв.м., 32-уйнинг 1100 кв.м. ҳажмдаги - жами ҳолатда 4750 кв.м. ҳажмдаги шиферларини металл қопламага алмаштириш	1	186762	40,000	39,975	ООО SUPER PROJECTS CENTER

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳави и қуввати, тегишли улчов бирликлари рида	Лот рақами	Элонга берилган сумма	Ғолиб булган сумма	Ғолиб ташкилот номи
22	Бўстон кўчасидаги 1974 йилда қурилган 53-уйнинг 1100 кв.м., 61-уйнинг 1100 кв.м., 57-уйнинг 800 кв.м., 55-уйнинг 1100 кв.м. томони - жами ҳисобда 8200 кв.м. томларни мукамал таъмирлаш	1	186641	40,000	39,955	OOO SUPER PROJECTS CENTER
23	Бўстон кўчасидаги 1974 йилда қурилган 27-уйнинг 800 кв.м., 31-уйнинг 1100 кв.м., 49-уйнинг 1100 кв.м. 51-уйнинг 1100 кв.м., томларни мукамал таъмирлаш	1	184167	40,000	39,925	OOO SUPER PROJECTS CENTER
24	Намуна МФЙ Меҳрибон кўчасидаги кўп қаватли 3-уй, Фўрқат кўчасидаги 5-уйни том қисми мукамал таъмирлаш	1	182546	15,000	14,950	OOO SUPER PROJECTS CENTER
25	"Дўстлик" МФЙ Дўстлик кўчасидаги 20, 21, 22 ва 50-сонли уйларнинг 3786 м2 том қисмини мукамал таъмирлаш зарур	1	182556	35,000	34,975	OOO SUPER PROJECTS CENTER
26	Искандар МФЙ худудида спорт майдончасини қуриш	1	184118	8,750	8,700	OOO SUPER PROJECTS CENTER
27	Пском МФЙ худудида болалар майдончаси қуриш	1	184124	12,500	12,470	OOO SUPER PROJECTS CENTER
28	Боғистон МФЙ худудида спорт майдончасини қуриш	1	184131	8,750	8,725	OOO SUPER PROJECTS CENTER
Зангиота тумани бўйича жами		2		133,750	133,100	
29	Алимбува МФЙ худудидаги "Оқ мала" қабирстони атрофини бетон тўсиқлар билан ураш.	1	182630	21,250	20,750	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
30	Кўёшли МФЙ да 13 та кўп қаватли уйларни иситиш учун марказий қозонхона қуриш	1	183826	112,500	112,350	OOO SUPER PROJECTS CENTER
Қибрай тумани бўйича жами		4		114,050	113,815	
31	Янгиобод кўчасида жойлашган 2-сонли қозонхона мукамал таъмирлаш	1	182640	75,000	74,900	OOO SUPER PROJECTS CENTER
32	Янгиобод МФЙ ва Зебунисо МФЙ худудидан оқиб утувчи 200 метр узунликдаги "Зах ариқ" каналини тозалаш ва ободонлаштириш (ички қисми ва ён атрофларини бетонлаш) тунгги ёртгичлар ўрнатиш ва фуқаролар учун пиёдалар йўлаги мукамал таъмирлаш, боғ аллея барпо этиш	1	182655	25,000	24,925	OOO SUPER PROJECTS CENTER
33	Бойжигит МФЙ Бойжигит кўчасидаги 20 та электр устунларга тунги чироқлари ўрнатиш.	1	182660	0,550	0,540	OOO SUPER PROJECTS CENTER
34	Ёшлик МФЙ да 112 та хондон, 473 нафар фуқаролар яшайдиган Ёшлик марказий кўчасида 2 000 метр йўл қатнов қисмига пиёдалар йўлакчасини мукамал таъмирлаш.	1	182688	13,500	13,450	OOO SUPER PROJECTS CENTER
Қуйчирчиқ тумани бўйича жами		2		46,500	46,400	
35	Пахтазор МФЙдаги Иноқобод ҳамда А.Навоий кўчаларидаги жойлашган 2 та кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш.	1	182697	31,500	31,450	OOO SUPER PROJECTS CENTER
36	Боғистон МФЙ Элобод кўчасидаги 1 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш	1	182707	15,000	14,950	OOO SUPER PROJECTS CENTER
Нурафшон шаҳар бўйича жами		2		36,250	35,850	
37	Ёшлик МФЙ А.Тўқай, Бобур, Тошкент йули ва И.Каримов кўчадарида 60 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш	1	182719	6,250	5,900	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
38	Тараққиёт МФЙдаги 12 та кўп қаватли уйлар ички ва иссиқлик тизимини мукамал таъмирлаш	1	182977	30,000	29,950	OOO SUPER PROJECTS CENTER
Оққўрғон тумани бўйича жами		2		13,500	13,300	
39	Гулистон маҳалласидаги 5 та кўчада Устозлар-20, Муориф-46, Меҳр нури-55, Бинокор-43 ва Гулистон-94 та хонадон аҳолиси томорқасига оқова сув билан таъминлаш.	1	182981	6,250	6,150	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
40	С.Рахимов МФЙ хонадонлари томорқасидан самари фойдаланиш учун суғориш тизимини мукамал таъмирлаш.	1	182984	7,250	7,150	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
Олмалик шаҳар бўйича жами		5		80,000	69,500	
41	И.Каримов МФЙ худудида авто тураргоҳ қуриш	1	182989	12,500	12,000	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
42	Бобур МФЙ худудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 1 км суғориш тизимини мукамал таъмирлаш	1	182991	10,000	9,500	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
43	Ш.Рашидов МФЙ худудига 5000 метр суғориш тизимини мукамал таъмирлаш	1	182993	12,500	12,000	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
44	Камалак МФЙ худудига 2 км ирригация тизимини мукамал таъмирлаш	1	182996	37,500	36,000	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
45	Мусо Жалил номи МФЙ да спорт иншоотлари барпо этиш	1	183002	7,500		Танлов (тендер) асосида
Охангарон шаҳар бўйича жами		5		64,500	52,100	
46	Илоқ МФЙ худудидаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	1	183005	12,000	11,900	OOO DIO ARX PROJECT
47	"Орзу" МФЙ худудидаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	1	183007	11,250	11,150	OOO DIO ARX PROJECT

T/P	Объектлар номи ва манзили	Лойҳави й куваати, тегишли улчов бирликларида	Лот рақами	Элонга берилган сумма	Ғолиб булган сумма	Ғолиб ташкилот номи
48	"Дўстлик" МФЙ ҳудудидаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	1	183010	22,000	21,900	OOO DIO ARX PROJECT
49	Умид МФЙ ҳудудидаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	1	183012	15,750	15,650	OOO DIO ARX PROJECT
50	Шодлик МФЙ, 46,54 кўп қаватли уйлар олдида болалар ўйингоҳини қуриш	1	183015	3,500	3,400	OOO DIO ARX PROJECT
	Пискент туман бўйича жами	1		23,700		
51	Ойбек МФЙда жойлашган 24, 25, 26 ва 54 - кўп қаватли уйларнинг ички йўлларини мукамал таъмирлаш	1	183021	23,700		Танлов (тендер) асосида
	Тошкент туман бўйича жами	2		5,000	2,400	
52	Алишер Навоий МФЙ Темир йўл ёқаси бўйлаб, 0,1 км масофадаги оқва ариқлари йўли техника ёрдамида кавлаш ва бетон латок ётқизиш.	1	183024	2,500	2,400	"ME'MOR-PROJECT" MCHJ
53	Иқбол МФЙдаги "Қинғир ариқ" каналини 300 метр қисмини ободонлаштириб ўзанини мукамал таъмирлаш	1	183027	2,500		Танлов (тендер) асосида
	Чиноз тумани бўйича жами	5		27,125	26,975	
54	"Тиллатопган" маҳалласи Шарк, Обихаёт, Сохил, Гулбахор, Нихол кўчаларига 131 та тунги ёритгич чироклари ўрнатиш.	1	183029	2,000	2,000	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
55	А.Навоий МФЙдаги 2 та 3-4 кўп қаватли уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш	1	183034	8,750	8,700	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
56	"Бунёдкор" маҳалласидаги 25-сонли, 20-сонли ва 11-сонли кўп қаватли уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш.	1	183037	11,250	11,150	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
57	Чиноз тумани Ёшлик МФЙ худ-ги 46, 3, 17, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 1, 2 кўп қаватли уйларга тунги ёритгич чироклар ўрнатиш	1	183041	1,000	1,000	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
58	Эхтиром МФЙ ҳудудида спорт майдончасини қуриш	1	184167	4,125	4,125	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
	Чирчиқ шаҳар бўйича жами	16		343,250	142,275	
59	"Мирзо Улуғбек" МФЙ ҳудудидаги Спортчилар, Ибн Сино, Соғлом авлод учун, Баҳор ва Заргарлар кўчаларига 120 та кузатув камераларини ўрнатиш.	1	183245	12,500	12,455	OOO SUPER PROJECTS CENTER
60	"Воҳид Ҳайдаров" МФЙ ҳудудидаги аҳолининг кечки вақтларда ҳаракатланишлари учун хавфсиз шарт-шароитларни яратиш мақсадида 34 та кўп қаватли уйлар ҳудудида кузатув камераларни ўрнатиш.	1	183251	3,750	3,720	OOO SUPER PROJECTS CENTER
61	"Истиқлол" МФЙ ҳудудидаги 23 та кўп қаватли уй-жойлар ва 1 та МТТ га 60 та видео кузатув камералари ўрнатиш	1	183257	6,250	6,230	OOO SUPER PROJECTS CENTER
62	"Истиқлол" МФЙ ҳудудидаги жами 560 метр ирригация тизимини мукамал таъмирлаш	1	183276	14,000	13,970	OOO SUPER PROJECTS CENTER
63	Нур МФЙ ҳудудидаги 2,0 км ирригация тизимини (янги лотоклар ўрнатиш) мукамал таъмирлаш	1	186776	15,000	14,950	OOO SUPER PROJECTS CENTER
64	Баҳор МФЙ А.Темур кўчасидаги 118А-120-122-134-кўп қаватли уйлар орасида спорт майдончалари (Work out) ва 130-132-134- кўп қаватли уйларда болалар майдончаси барпо этиш.	1	183376	12,500	12,450	OOO SUPER PROJECTS CENTER
65	Юлдуз МФЙ даги 9 та кўп қаватли уй жойларнинг ички қисмини истиш тизими иссиқлик тизими мукамал таъмирлаш	1	190501	33,100		Танлов (тендер) асосида
66	Юлдуз МФЙ даги 8 та кўп қаватли уй жойларнинг ички қисмини истиш тизими иссиқлик тизими мукамал таъмирлаш	1	190514	29,400		Танлов (тендер) асосида
67	Ифтихор МФЙ ҳудудида умумий 600 метр узунликдаги 5-6-7-8 уйлар оралигини янги латок билан таъминлаш	1	183429	3,750	3,725	OOO SUPER PROJECTS CENTER
68	Ифтихор МФЙ ҳудудида 5-6-7-8 уйлар оралиғидаги мавжуд болалар майдончаларини мукамал таъмирлаш	1	183449	3,000	2,975	OOO SUPER PROJECTS CENTER
69	"Тинчлик" МФЙ ҳудудида жойлашган "Алея"даги дарахтлар ва экинларни сугориш учун сув қувирлари ётқизиш.	1	183458	50,000	49,900	OOO SUPER PROJECTS CENTER
70	"Қабутар" МФЙ ҳудудидаги мавжуд 10 та кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини мукамал таъмирлаш	1	190624	32,500		Танлов (тендер) асосида
71	"Қабутар" МФЙ ҳудудидаги мавжуд 10 та кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини мукамал таъмирлаш	1	190494	32,500		Танлов (тендер) асосида
72	"Турон" МФЙ ҳудудидаги мавжуд 9 та кўп қаватли уйларнинг 1187 та хонадонни иссиқлик таъминотини мукамал таъмирлаш	1	190507	34,325		Танлов (тендер) асосида
73	"Турон" МФЙ ҳудудидаги мавжуд 10 та кўп қаватли уйларнинг 1187 та хонадонни иссиқлик таъминотини мукамал таъмирлаш	1	190552	38,175		Танлов (тендер) асосида
74	Ғалаба МФЙ, Тикланиш кўчасидаги 206-207-12а-2-қаватли уйларнинг томқисмини мукамал таъмирлаш	1	183490	22,500	21,900	OOO SUPER PROJECTS CENTER
	Янгийўл туман бўйича жами	1		21,250		
75	С.Раҳимов кўчасидаги 2 қаватли 6-7-8 уйларнинг томни қисмини мукамал таъмирлаш	1	187731	21,250		Танлов (тендер) асосида

Т/ Р	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳави й қуввати, тегишли ўлчов бирликла рмда	Лот раками	Элонга берилган сумма	Ғолиб булган сумма	Ғолиб ташкилот номи
	Янгийўл шаҳар бўйича жами	9		103,878	103,350	
76	Янгиобод маҳалласи Янги фаровон даҳасида 23 та кўп қаватли уйларга кузатув камералари ўрнатиш	1	183860	2,500	2,500	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
77	Фаровон маҳалласи "Анарқулов" даҳасидаги 2,3,4,5,6,8,9,10 кўп қаватли уйларнинг том қисми мукамал таъмирлаш	1	183866	17,625	17,550	OOO SUPER PROJECTS CENTER
78	Файзли, Олтинобод ва Туркистон маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларни иситиш тизими билан таъминлайдиган эски "РК-1" қозонхонасини мукамал таъмирлаш	1	183877	42,480	42,380	OOO SUPER PROJECTS CENTER
79	Рамадон маҳалласи, Наврўз даҳасида 16 та кўп қаватли уйларга замонавий маиший чиқиндихона қуриш	1	184266	4,400	4,300	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
80	Сабо маҳалла Соҳил, Соҳил ўтиш, Шаршара ва Шодлик кўчаларида азамонавий маиший чиқиндихона қуриш	1	183898	3,000	3,000	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
81	«Ишчилар шаҳарчаси» МФЙ, Олчазор кўчасида 15 дона, Фаровон кўчасида 20 дона, Дониёров кўчасида 8 дона, Чаманзор кўчасида эски 8 дона симёғочлар ҳамда уларда тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш	1	183931	7,500	7,450	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
82	Мевазор, Лаззат ва Наврўз маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларни иситиш тизими билан таъминлайдиган эски "Турон-3" қозонхонасини мукамал таъмирлаш	1	184013	13,823	13,770	OOO SUPER PROJECTS CENTER
83	Наврўз маҳалласида "Эркинлик тор", "Райхон тор", "Ибн-Сино", Зарафшон, Ш.Рашидов ҳамда темир йўл ёқасидаги Темурий кўчаларидаги тунги ёритиш чироқларини замонавий маиший чиқиндихона қуриш.	1	184032	6,300	6,250	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
84	Туркистон маҳалласи Бунёдкор, Бирдамлик ва Сағбон кўчаларида тунги ёритиш чироқларини замонавий маиший чиқиндихона қуриш.	1	184042	6,250	6,150	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ
	Юқори Чирчиқ тумани бўйича жами	1		18,750	18,700	
85	Хван МФЙ намуна кўчасидаги 0.15 га бўш ер майдонига стадион қуриш.	1	186730	18,750	18,700	FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ

Т/Р	Объектлар номи ва мақсади	Куршилши ва тугланиши йили	Лоикавий куввати, тегили	Таъмирлаш шартномаси тугилган ватандан буюртмааси киймати, шундан буюртмачининг бошка харажатлари	01.01.2022 йилдан буюртмачининг бошка харажатлари	2022 йилда ишга туширилиши			Овектининг келгуи илгарақдан буюртмачининг бошка харажатлари	01.01.2023 йилдан буюртмачининг бошка харажатлари	01.01.2023 йилдан буюртмачининг бошка харажатлари	Лоика экспертна санаси ва рақами	Тендер савтолари баённомаси тақдирланган сана ва рақам	Пудрат куйрилиш ташкилотлари							
											Жами маблағлар лимити	ҚМИ	Жихозлар							Буюртмачининг бошка харажатлари	
																				Жами	Шундан буюртмачининг бошка харажатлари
	Куйчирик туман буйича жами		2									46,500									
1	Пактавор МФЙдаги Иноқобод ҳамда А.Навоий кўчаларидаги жойлашган 2 та кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш.	2022-2023 й	1									31,500							Танлов (тендер) асосида		
2	Богистон МФЙ Элобод кўчасидаги 1 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									15,000							Танлов (тендер) асосида		
1	Нурфайсал шаҳар буйича жами		2									36,250							Танлов (тендер) асосида		
1	Ешлук МФЙ А.Турай, Бобур, Тошкент йули ва И.Каримов кўчаларига 60 та туғли бериш чироқлари ўрнатиш	2022-2023 й	1									6,250							Танлов (тендер) асосида		
2	Тараққиёт МФЙдаги 12 та кўп қаватли уйлар ички ва оқсизлик тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									30,000							Танлов (тендер) асосида		
	Оқўйғон тумани буйича жами		2									13,500							Танлов (тендер) асосида		
1	Гулистон маҳалласидаги 5 та кўчада Устозлар-20, Муориф-46, Меҳр нури-55, Бинокор-43 ва Гулистон-94 та хонадон аҳолиси томеркасига оқова суз билан таъмирлаш.	2022-2023 й	1									6,250							Танлов (тендер) асосида		
2	С.Рахимов МФЙ хонадонлари томеркасида самари фойдаланиш учун суғориш тизимини мукамал таъмирлаш.	2022-2023 й	1									7,250							Танлов (тендер) асосида		
	Олмалиқ шаҳар буйича жами		5									80,000							Танлов (тендер) асосида		
1	И.Каримов МФЙ худудига авто турароҳ куриш	2022-2023 й	1									12,500							Танлов (тендер) асосида		
2	Бобур МФЙ худудига ободонлаштириш ва кўчаларозорлаштириш учун 1 км суғориш тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									10,000							Танлов (тендер) асосида		
3	Ш.Рашидов МФЙ худудига 5000 метр суғориш тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									12,500							Танлов (тендер) асосида		
4	Камалак МФЙ худудига 2 км ирригация тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									37,500							Танлов (тендер) асосида		
5	Мусо Жалил номили МФЙ да спорт иншоотлари барпо этиш	2022-2023 й	1									7,500							Танлов (тендер) асосида		
	Охангарон шаҳар буйича жами		5									64,500							Танлов (тендер) асосида		
1	Илоқ МФЙ худудигаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									12,000							Танлов (тендер) асосида		
2	"Оруз" МФЙ худудигаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									11,250							Танлов (тендер) асосида		
3	"Дўстлик" МФЙ худудигаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									22,000							Танлов (тендер) асосида		
4	Умид МФЙ худудигаги уйларни том қисмини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									15,750							Танлов (тендер) асосида		
5	Шодлик МФЙ, 46, 54 кўп қаватли уйлар олдида болалар уйингоҳини куриш	2022-2023 й	1									3,500							Танлов (тендер) асосида		
	Пискент туман буйича жами		1									23,700							Танлов (тендер) асосида		
1	Олбек МФЙда жойлашган 24, 25, 26 ва 54 - кўп қаватли уйларнинг ички йўллари мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									23,700							Танлов (тендер) асосида		
	Тошкент туман буйича жами		2									5,000							Танлов (тендер) асосида		
1	Алишер Навоий МФЙ Темир йўл ёриси бўйлаб, 0,1 км масофадаги оқова ариқлари йўли техника ёрдамида қавлаш ва бетон латок ётқизиш.	2022-2023 й	1									2,500							Танлов (тендер) асосида		
2	Иқбол МФЙдаги "Қонир ариқ" каналини 300 метр қисмини ободонлаштириб узанини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1									2,500							Танлов (тендер) асосида		

№	Объектлар номи ва манзили	Куршилари шартининг бошланиши ва тугаланиши йили	Лойihaвий кўламини, тегишли ўлчов бирликларида (км/м)	Таъминлаш шартининг лойiha шартномаси тузилган вақтдаги ўлчовимани киймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	01.01.2022 йил ҳолатига қадар буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	01.01.2022 йил ҳолатига қадар буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	01.01.2022 йил ҳолатига қадар буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	01.01.2022 йил ҳолатига қадар буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	2022 йил режаси			2022 йилда ишга туширилиши		Объектнинг келгуси йилда жумладан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	Ўқимнинг келгуси йилда жумладан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари	Лойiha экспертиза самаси ва рақами	Тендер савдолари баённомаси тасдиқланган сана ва рақам	Ўқимнинг келгуси йилда жумладан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари		
									Жами маблағлар лимити	ҚМИ	Жиҳозлар	Буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари							Кўламини ва муддати	Асосий фондлар
												Жами	Шундан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари							
1	Чиноз тумани бўйича жами		5						1 085,000		Жиҳозлар	Жами	Шундан буюртмачининг бошқа ҳисса қисмлари							
1	"Тиллопанан" маҳалласи Шарк, Обихайт, Соҳил, Гулбаҳор, Нихол кўчаларига 131 та туғил ёриткич чироқлари ўрнатил.	2022-2023 й	1						80 000			27,125								Танлов (тендер) асосида
2	А.Навоий МФЙдаги 2 та 3-4 кўп қаватли уйнинг том қисмини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						350 000			8,750								Танлов (тендер) асосида
3	"Бунёдкор" маҳалласидаги 25-сонли, 20-сонли ва 11-сонли кўп қаватли уйлари том қисмини мукамал таъмирлаш.	2022-2023 й	1						450 000			11,250								Танлов (тендер) асосида
4	Ёшлик МФЙ ҳудудидagi 18 та кўп қаватли 46 уй 3 уй, 17 уй, 4 уй, 5 уй, 6 уй, 7 уй, 8 уй, 9 уй, 10 уй, 11 уй, 12 уй, 13 уй, 14 уй, 15 уй, 16 уй, 1 уй, 2 кўп қаватли уйлар, атрофини туғил ёриткич чироқлар билан таъминлаш.	2022-2023 й	1						40 000			1,000								Танлов (тендер) асосида
5	Эхтиром МФЙ ҳудудидagi спорт майдончасини қуриш	2022-2023 й	1						165 000			4,125								Танлов (тендер) асосида
	Чирчиқ шаҳар бўйича жами		16						13 730,000			343,250								Танлов (тендер) асосида
1	"Мирзо Уллубек" МФЙ ҳудудидagi Спортчилар, Ибн Сино, Солтомоғалов, Учун, Баҳор ва Зағрлар кўчаларига 120 та кулачу камераларини ўрнатил.	2022-2023 й	1						500 000			12,500								Танлов (тендер) асосида
2	"Бойдақ Хайдаров" МФЙ ҳудудидagi аҳолининг кечки вақтларда ҳаракатланишлари учун хавфсиз шарт-шароитларни яратилиш мақсадида 34 та кўп қаватли уйлар ҳудудига кулачу камераларини ўрнатил.	2022-2023 й	1						150 000			3,750								Танлов (тендер) асосида
3	"Истиклол" МФЙ ҳудудидagi 23 та кўп қаватли уй-жойлар ва 1 та МТТ га 60 та видео кулачу камералари ўрнатил	2022-2023 й	1						250 000			6,250								Танлов (тендер) асосида
4	"Истиклол" МФЙ ҳудудидagi жами 560 метр ирригация тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						560 000			14,000								Танлов (тендер) асосида
5	Нур МФЙ ҳудудидagi 2,0 км ирригация тизимини (яңи лотоклар ўрнатил) мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						600 000			15,000								Танлов (тендер) асосида
6	Баҳор МФЙ А.Темур кўчасидagi 118А-120-122-134-кўп қаватли уйлар орасида спорт майдончалари (Work out) ва 130-132-134-кўп қаватли уйларда болалар майдончаси барпо этил.	2022-2023 й	1						500 000			12,500								Танлов (тендер) асосида
7	Юлдуз МФЙ даги 9 та кўп қаватли уй жойларнинг ички қисмини истиш тизимини иссиқлик тизими мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						1 324,000			33,100								Танлов (тендер) асосида
8	Юлдуз МФЙ даги 8 та кўп қаватли уй жойларнинг ички қисмини истиш тизимини иссиқлик тизими мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						1 176,000			29,400								Танлов (тендер) асосида
9	Ифтикор МФЙ ҳудудидagi умумий 600 метр узунликдаги 5-6-7-8 уйлар оралигини янги лоток билан таъминлаш	2022-2023 й	1						150 000			3,750								Танлов (тендер) асосида
10	Ифтикор МФЙ ҳудудидagi 5-6-7-8 уйлар оралигини янги лоток билан таъмирлаш	2022-2023 й	1						120 000			3,000								Танлов (тендер) асосида
11	"Тинчлик" МФЙ ҳудудидagi жойлашган "Алеми" даги дарахлар ва экинларни суғориш учун суғурилари бўғил.	2022-2023 й	1						2 000 000			50 000								Танлов (тендер) асосида
12	"Қабутлар" МФЙ ҳудудидagi манжада 10 та кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизимини мукамал таъмирлаш	2022-2023 й	1						1 300 000			32,500								Танлов (тендер) асосида

